

Кармана тумани

2022 йил “12” август

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Куйи Зарафшон ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошкармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи директор **Назаров Жасур Зайниддинович** бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “UMID TA'MIR QURILISH-2020” МСиJ номидан Низом асосида иш кўрувчи Акрамов Шавкат иккинчи томондан Куйи Зарафшон ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошкармаси хисобидаги Куйи Зарафшон ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошкармаси хисобидаги насос станциялардаги насос агрегатларини полмуфталарини тубдан таъмирлаш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### 1. Таърифлар

#### 1.Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

“ижро хужжатлари”: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар:

“курилиш майдони”: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошка белгилар билан белгилаб қўйилади.

“вактинчалик ишлар”: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар.

“беркитилган ишлар”: - сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ **бошқарма хисобидаги насос станциялардаги насос агрегатларини полмуфталарини тубдан таъмирлаш ишларини** бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил “12” августдаги “133549/1” сон баённома ЛОТ №133549) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 37 741 019 (Ўттиз етти миллион етти юз кирқ бир минг ўн тўқиз) сўмни ташкил этади.

қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгib бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;  
ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;  
объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда смета хужжатларида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- “ ” иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва саклаш;

- қурилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар қуриш;  
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш таваккалчилигини сугурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини қўрикланишини таъминлаш;

курилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдидаги тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий курилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига З иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштириши амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### **VI. Ишларни бажариш муддати**

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация килган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун хужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аникланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### **VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдорида, аванс ўтказади, бу 11 322 305 сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 0 % гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган кисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб курилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорида, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳукукини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш ҳукукига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод килинмайди.

#### **VIII. Ишларни бажариш**

20. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартномага шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳукукига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишларни жой билан таъминлади. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.
25. Курилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.
26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.
27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.
28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.
- Агар ишларни бажариш жараённида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.
29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.
30. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.
31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.
32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равиша хабардор киласди.
33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.
34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.
35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.
- Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.
36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.
37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сириради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлади.
38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб колишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.
- Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан коникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди.
- Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равиша кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

#### **IX. Ишларни қўриклиш**

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга кадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриклинишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вактда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласидилар.

43. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### XI. Курилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш

44. Курилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган обьектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёrligi тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб \_5\_ кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимiga мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб обьект Буюртмачининг мулкига айланади.

#### XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиха хужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вактида бартараф қилинишини;

обьектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган обьектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида \_5\_ ой этиб белгиланади.

50. Агар обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланниб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланиши давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқлансан, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

• Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимидаги назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хукуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиши қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

#### XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечикирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечикирилган ҳолда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилгандা;
- қонун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

**53. Пудратчи:**

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- конун хужжатларига мувофиқ бошка асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган курилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга карор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбордом томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбордом томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг \_\_\_% миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг \_\_\_ фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тартилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг \_\_\_ фоизи миқдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг \_\_\_ фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг \_\_\_ фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг \_\_\_ фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг \_\_\_ фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёrlари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хulosasi асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тартиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг \_\_\_ фоизи миқдорида ундириш хукукига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплади.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

**XV. Низоларни ҳал этиш тартиби**

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

**XVI. Алоҳида шартлар**

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзgartiriш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолангандан бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар кандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари қўлланилади.


72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган **2** нусхада тузилади.

## XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

Буюртмачи:

"UMID TA'MIR QURILISH-2020" MChJ  
Манзил Навоий ш И.Каримов куча д126 кв76  
Банк: Саноат курилиш банк Навоий вил фил  
Х/Р 20208000205177113001  
МФО 00440 ИНН 307120178

Рахбар: М.У. (имзо) Ш.Акрамов



Пудратчи:

Кўйи Зарабшон ИТҲБ хузуридаги насос  
станциялари ва энергетика бошқармаси  
Кармана тумани Аргун МФЙ  
Банк: Марказий банк ББ ҲҚҚМ  
Х/Р: 100021860122347042402170005  
МФО: 00014 ИНН: 200035464

Рахбар: Ж.Назаров

М. У. (имзо)



Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасига мувофиқ хўжалик шартномаларини хуқуқий экспертизадан ўтказиш Қуий Зарафшон ИТҲБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси ва "UMID TA'MIR QURILISH-2020" MChJ билан бошқарма хисобидаги насос станциялардаги насос агрегатларини полмуфталарини тубдан таъмирлаш ишлари учун 2022 йил 12-августдаги 29 -сон шартнома, умумий суммаси 37 741 019 (Ўттиз етти миллион етти юз қирқ бир минг ўн тўқиз) сўм қилиб белгиланган шартнома лойиҳаси юзасидан,

### ЮРИДИК ХУЛОСАСИ

Мен, ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида хукукий экспертиза қилиб, ушбу Пудрат шартномасини ҳақиқатдан ҳам давлат рўйхатидан ўтганлигини ва мазкур шартномани имзолаш хуқуқига эга эканлигини ва банкдаги реквизитлар тўғрилигини, тўлов қобилиятига эга эканлигини ва шартнома лойиҳасининг қонунчилик ҳужжатларига мос келишшлигини аниқладим.

Шу муносабат билан ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Хуқуқшунос :

М.ў.

Х. Эргашев

“ \_\_\_\_ ” 20 йил

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасига мувофиқ хўжалик шартномаларини хуқуқий экспертизадан ўтказиш Қуий Зарафшон ИТҲБ ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси ва "UMID TA'MIR QURILISH-2020" MChJ билан бошқарма хисобидаги насос станциялардаги насос агрегатларини полмуфталарини тубдан таъмирлаш ишлари учун 2022 йил 12-августдаги 29 -сон шартнома, умумий суммаси 37 741 019 (Ўттиз етти миллион етти юз қирқ бир минг ўн тўққиз) сўм қилиб белгиланган шартнома лойиҳаси юзасидан,

### ЮРИДИК ХУЛОСАСИ

Мен, ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун хужжатлари асосида хуқуқий экспертиза қилиб, ушбу Пудрат шартномасини ҳакиқатдан ҳам давлат рўйхатидан ўтганлигини ва мазкур шартномани имзолаш хуқуқига эга эканлигини ва банкдаги реквизитлар тўғрилигини, тўлов қобилиятига эга эканлигини ва шартнома лойиҳасининг қонунчилик хужжатларига мос келишилигини аниқладим.

Шу муносабат билан ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Хуқуқшунос :

М.ў.

Х. Эргашев

“ \_\_\_\_ ” 20\_\_ йил

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 133549 на приобретение Бошқарма хисобидаги насос станциялардаги насос агрегатларини полмуфтадарни тубдан таъмирлаш ишлари**

**Способ проведения электронный**

Дата 12.08.2022

Время рассмотрения 12.08.2022 16:52

Конкурсная комиссия Насос станциялари ва энергетика бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	ATAULLAYEV MIRKAMOL MURTAZAYEVICH	Бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари	НС ва ЭБ
<b>Секретарь комиссии</b>	ELMURADOV ALISHER SAIDOVICH	Бухгалтерия хисоби ва иқтисодий таҳлил хизмати бо'limiga Бош мутахассис	НС ва ЭБ
<b>Член комиссии</b>	RO'ZIQULOV HUSAN RAXMATULLA O'G'LI	Насос станцияларидаги электротехника жиҳозларини экспулатация қилиш бо'limiga Бўлим бошлиғи	НС ва ЭБ
<b>Член комиссии</b>	ASHIROV MAMARAYIM ABDIRAYIMOVICH	Кармана Подстанция ва электр тармоқлари участкаси бо'limiga Участка бошлиғи	НС ва ЭБ
<b>Член комиссии</b>	JURAYEV SALIM TURAKULOVICH	Автоматика ва назорат ўлчов аппаратлари, иншоотлар ва ускуналарнинг релейли ҳимояаси бо'limiga Бўлим бошлиғи	НС ва ЭБ
<b>Член комиссии</b>	XAKIMOV SHOKIR XUSHMURADOVICH	Кармана Цех станокли заготовка ва металларга ишлов бериш, ускуналарни таъмирлаш бо'limiga Бўлим бошлиғи	НС ва ЭБ
<b>Член комиссии</b>	RAJABOV A'ZAM RAVSHANOVICH	Моддий техник таъминот ва таъминлашни ташкил этиш бўлими бо'limiga Бўлим бошлиғи	НС ва ЭБ
<b>Член комиссии</b>	SHONIYOZOZ ZOHIDJON MAMATKARIMOVICH	Насос станцияларни экспулутатция қилиш ва механик ускуналарни таъмирлаш бо'limiga Бош механик	НС ва ЭБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 12.08.2022 года № лота 133549.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 60.00 / Весовой коэф. ценовой части: 40.00)

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по капитальному ремонту насоса</b>
Подробное описание	Бошқарма хисобидаги насос станциялардаги насос агрегатларини полмуфтадарни тубдан таъмирлаш ишлари
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	43 773 130.00

Стартовая сумма	43 773 130.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Лойиҳа смета ҳужжатларида кўрсатилган ишларни бажариш учун белгиланган маблағларни камидага 30% миқдорида айланма маблағнинг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳа смета ҳужжатларида кўрсатилган ишларни бажариш учун белгиланган маблағларни камидага 30% миқдорида айланма маблағнинг мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
LUTFULLO PLYUS XK	10	37870048	7	Экспертная		
"UMID TA'MIR QURILISH-2020" MChJ	10	37741019	9	Экспертная		

Критерий №2 Насос агрегатлари, ЭЦВ русумли насослар, электро двигателлар ва трансформаторларни мукаммал таъмирлаш ишлари бўйича камидага 3 йиллик тажрибага эга бўлишилиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Насос агрегатлари, ЭЦВ русумли насослар, электро двигателлар ва трансформаторларни мукаммал таъмирлаш ишлари бўйича камидага 3 йиллик тажрибага эга бўлишилиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
LUTFULLO PLYUS XK	10	37870048	7	Экспертная		
"UMID TA'MIR QURILISH-2020" MChJ	10	37741019	8	Экспертная		

Критерий №3 ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган)

Тип: Текстовое значение

Описание: ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
LUTFULLO PLYUS XK	10	37870048	6	Экспертная		
"UMID TA'MIR QURILISH-2020" MChJ	10	37741019	7	Экспертная		

Критерий №4 Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
LUTFULLO PLYUS XK	10	37870048	6	Экспертная		
"UMID TA'MIR QURILISH-2020" MChJ	10	37741019	8	Экспертная		

Критерий №5 тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган

Тип: Текстовое значение

Описание: тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
LUTFULLO PLYUS XK	10	37870048	7	Экспертная		
"UMID TA'MIR QURILISH-2020" MChJ	10	37741019	7	Экспертная		

Критерий №6 Ишларни (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган доимий ишловчи мутахассисларни мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган доимий ишловчи мутахассисларни мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
LUTFULLO PLYUS XK	10	37870048	6	Экспертная		
"UMID TA'MIR QURILISH-2020" MChJ	10	37741019	10	Экспертная		

Критерий №7 Солиқ қарзи ва бошқа мажбурий тўловлардан карздорлик йўқлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқ қарзи ва бошқа мажбурий тўловлардан карздорлик йўқлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
LUTFULLO PLYUS XK	10	37870048	6	Экспертная		
"UMID TA'MIR QURILISH-2020" MChJ	10	37741019	9	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"UMID TA'MIR QURILISH-2020" MChJ	43 773 130.00	37 741 019.00 UZS	37 741 019.00	00.00	37 741 019.00	11.08.2022 13:35:44	40.00

LUTFULLO PLYUS XK	43 773 130.00	37 870 048.00 UZS	37 870 048.00	00.00	37 870 048.00	10.08.2022 10:20:14	39.86
-------------------	------------------	----------------------	---------------	-------	------------------	------------------------	-------

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"UMID TA'MIR QURILISH-2020" MChJ	49.7142	40	89.7142
LUTFULLO PLYUS XK	38.5716	39.86	78.4316

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 133549 от 12.08.2022 года на приобретение Башкарма хисобидаги насос станциялардаги насос агрегатларини полумуфталарини тубдан таъмирлаш ишлари определила победителем:

"UMID TA'MIR QURILISH-2020" MChJ  
307120178

и резервный исполнитель: LUTFULLO PLYUS XK (302893462)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ATAULLAYEV MIRKAMOL MURTAZAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	RO'ZIQULOV HUSAN RAXMATULLA O'G'LII	Согласен	
Член комиссии	ASHIROV MAMARAYIM ABDIRAYIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	JURAYEV SALIM TURAKULOVICH	Согласен	
Член комиссии	XAKIMOV SHOKIR XUSHMURADOVICH	Согласен	
Член комиссии	SHONIYOZOZ ZOHIDJON MAMATKARIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	RAJABOV A'ZAM RAVSHANOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП